

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
“Хитойшунослик ва Кореяшунослик” кафедраси**

“Корея иқтисодиёти” фанидан

**КУРС ИШИ**

**Мавзу: КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАРИ**

“Кореяшунослик” бакалавр йўналиши,

3 курс корейс-инглиз гуруҳи талабаси

**Умаров Ботир Ильхомджанович**

**Илмий раҳбар:** \_\_\_\_\_

**Топширилган сана:** \_\_\_\_\_

**Ҳимоя санаса:** \_\_\_\_\_

**Баҳо:** \_\_\_\_\_

**Илмий раҳбар имзоси:** \_\_\_\_\_

**ТОШКЕНТ – 2011 й.**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ҲОЛАТИ.....</b>	<b>6</b>
1.1. Корея Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари ва халқаро алоқалари ривожланиши тарихи.....	6
1.2. Корея Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари тизими, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлидаги дипломатик фаолият.....	8
1.3. Корея Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари кесимида чет эл сармоялари ва сармоядорларни қўллаб-қувватлаш.....	12
<b>2-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....</b>	<b>16</b>
2.1. Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги босқичи....	16
2.2. Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги гуманитар ҳамкорлик.....	20
2.3. Корея Республикасининг Навоий эркин индустриал-иқтисодий худудидаги иқтисодий иштироки ва истиқболлари.....	22
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>30</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>33</b>

## КИРИШ

1945 йил Корея озодликка эришиб, олимлар мамлакат маданияти, тарихи ва ижтимоий-сиёсий тизимини ўргана бошлагач, корейшунослик атамаси пайдо бўлди. 35 йиллик мустамлака даврида илмий тадқиқотлар таъқиқланган эди ёки япон нуктаи назари устуворлик қилиб келган. Сўнгги ўн йиллик ичида чет эллик олимлар корейшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Иккинчи Жаҳон урушида Япония мағлуб бўлганлиги ҳақидаги хабарни корейликлар хурсандчилик билан кутиб олишди, бироқ уларнинг хурсандчилиги узокқа чўзилмади. Улар узок вақт курашган Озодлик корейликларга мустақиллик олиб келди. Аниқроқ қилиб айтганда, бошланган “совуқ уруш” мамлакатнинг мафкуравий зиддиятлар натижасида иккига бўлинишига олиб келди. Корейликларнинг мустақил давлат қуриш йўлидаги сайи-ҳаракатлари зое кетди, чунки АҚШ қўшинлари оролнинг жанубий қисмини босиб олди, совет қўшинлари эса Шимолий қисм устидан ҳукмронлик ўрнатди. 1947 йил ноябр ойида БМТ нинг Бош Ассамблеяси Кореяда БМТ Комиссияси назорати остида умумхалқ сайловлари ўтказиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди. Бироқ Совет Иттифоқи БМТ Резолюциясини бажаришдан бош тортди ва БМТ Комиссиясини Кореянинг Шимолий қисмига йўлатмади. Шунда БМТ, БМТ Комиссияси киритилган ҳудудларда сайловлар ўтказиш ҳақидаги бошқа резолюция қабул қилди. Кореяда биринчи сайловлар 1948 йил 10 майда жануб ва шимолни ажратиб турган ҳудудда бўлиб ўтди. 1948 йилда Ли Син Ман Кореянинг биринчи Президенти этиб сайланди.

“Совуқ уруш”дан сўнг дунёда ҳудудийлашиш ғояси яққол сезила бошлади. Корея Республикаси асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар – Япония, АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатлари билан савдо алоқаларини олиб боради. Савдо ҳажмининг ошиши натижасида Корея Республикаси ривожланаётган мамлакатлар ва Шарқий Европа давлатлари билан савдо

алоқаларини ривожлантириб, кенгайтириб бормоқда, чунки Корея иқтисоди ва савдоси ўсиб бормоқда, мамлакатнинг ишлаб чиқариш тизими эса технологик ҳажмдаги соҳаларга мўлжалланган. Ривожланган мамлакатлар савдо, фан ва технологиялар соҳасида Корея Республикасининг асосий ҳамкорлари бўлиб қолмоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат ўзаро манфаатларни кўзлаган ҳолда, ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ривожланган мамлакатлар сингари ўз бозорларини ишлаб чиқариш маҳсулотларидан тортиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш доирасига қадар очади. Озон қатламининг камайиши, иқлимнинг исиб кетиши, ўрмонларнинг йўқолиб кетиши каби катта экологик муаммолар инсоният олдида янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. 1992 йил июн ойида ўтказилган атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича БМТ нинг Ер курраси саммити номи остида танилган конференциясида иқтисодий ривожланиш атроф муҳитга зарар келтиради деган тушунча ноўринлигини исботлаб берди. Корея Республикаси иқтисодий ривожланиш ва атроф муҳит билан уйғунлик, савдо ва экология ўртасидаги мувозанат, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган ҳалқаро ҳаракатларда иштирок этиш йўллариини изламоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси иқтисодий соҳада 1992 йилдан бери мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Мамлакатимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилингани, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистонда Корея Республикаси билан ҳамкорликда саноатнинг янги соҳаси – автомобилсозлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қатор тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Сўнгги вақтларда ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик фаоллашмоқда. 2006 йилда Энергетика ва табиий ресурслар бўйича

идоралараро кўшма кўмитанинг биринчи мажлиси ўтказилиб, бу борадаги алоқаларнинг устувор кўналишлари белгилаб олинди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 138 кўшма корхона, ушбу давлатнинг 37 компанияси ваколатхонаси фаолият кўсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон – Корея ва Корея – Ўзбекистон кўмиталари бу борадаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари билан шуғулланмоқда.

Жорий алоқалар ҳолатига кўра, икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга мустаҳкам ҳуқуқий асос ўрнатилган ва ҳамкорликнинг бош йўналишлари аниқ белгилаб олинган.

2008 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ташки савдо айланмаси 23,7% га ўсиб 1.056млн. АКШ долларини ташкил этди, улардан экспорт - 91,5 млн.дол.(31.3% га ўсиш), импорт – 965,1 млн.дол. (87.7% га ўсиш).

Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда - 2009 йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра Ўзбекистонда Корея сармояси иштирокида 351та кўшма корхона ташкил этилган бўлиб, улардан 57таси юз фоизлик корея сармояси иштирокида. Корхоналар савдо-сотик, енгил, кимё ва озик-овкат саноати, машинасозлик, метални кайта ишлаш, коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм ва хизмат соҳаларида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, транспорт хизматлари, текстиль ишлаб чиқариш, электроника сервис хизмати ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи 91 та корея компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

# **1-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ҲОЛАТИ**

## **1.1. Корея Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари ва халқаро алоқалари ривожланиши тарихи**

Тез-тез содир этиб турган чет элликларнинг хужумларига қарамай, Корея ярим ороли, 668 йилда бирлашган даврдан бошлаб, Силла хукмронлиги остида, ўзининг сиёсий мустақиллигини, маданий меъросини ва этник бирлигини сақлаган ҳолда, ягона ҳукумат бўлиб келган. Ҳар иккала сулола, Корё (918-1392) ва Чосонлар (1392-1910) ўз хукмронлигини мустақамлаб, кидан, монгол ва японларнинг хужумларини қайтарган ҳолда маданият ривожининг юқори даражасига эришган. Корё сулоласига Силла қироллиги шаҳодаси Ван Гон томонидан асос солинган. У мамлакат пойтахти этиб ўзининг шаҳри бўлмиш Сонак (Шим.Кореядаги ҳозирги Кэсон шаҳри) шаҳрини танлаган. У ўз сулоласини Корё деб номлаган, ушбу сулола номидан бугунги Корея номи келиб чиқган. Корёлар маданият соҳасида катта ютуқларга эришган ва будда анҳаналарини ривожлантирган. Улар томонидан 1234 йилда дунёда биринчи бўлган ҳаракатланувчи темир шрифт ихтиро этилган, бу эса Гуттерберг Библияни Олмонияда чоп эттиришдан икки аср аввал содир бўлган.

Сўнги йилларда Корёлар сулоласи олим-амалдорлар, ҳарбийлар, конфуцианлар ва буддистлар ўртасидаги ички урушлар туфайли заифлашиб боради. 1231 йилда бошланган мўғуллар хужуми, корейсларнинг мардонавор қаршилик кўрсатишига қарамай, Корёларнинг 100 йил мобайнида мўғиллар хукмронлиги остида қолиб кетишига олиб келди.

Иккинчи Жаҳон урушида Япония мағлуб бўлганлиги ҳақидаги хабарни корейликлар хурсандчилик билан кутиб олишди, бироқ уларнинг хурсандчилиги узокқа чўзилмади. Улар узок вақт курашган Озодлик корейликларга мустақиллик олиб келди. Аниқроқ қилиб айтганда, бошланган

“совуқ уруш” мамлакатнинг мафкуравий зиддиятлар натижасида иккига бўлинишига олиб келди. Кореяликларнинг мустақил давлат куриш йўлидаги сайи-ҳаракатлари зое кетди, чунки АҚШ қўшинлари оролнинг жанубий қисмини босиб олди, совет қўшинлари эса Шимолий қисм устидан ҳукмронлик ўрнатди. 1947 йил ноябр ойида БМТ нинг Бош Ассамблеяси Кореяда БМТ Комиссияси назорати остида умумхалқ сайловлари ўтказиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди. Бироқ Совет Иттифоқи БМТ Резолюциясини бажаришдан бош тортди ва БМТ Комиссиясини Кореянинг Шимолий қисмига йўлатмади.

19 асрда Корея илгаригидек “девона – киролик” лигича қолар эди ва ғарб мамлакатларининг дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатиш ҳақидаги талабларига қаршилик қилиб келар эди. Хитой ва Россияга қарши урушларда ғолибликни қўлга киритган Япония, 1910 йилда Кореяни мажбурий равишда (аннексия) ўзига қўшиб олди ва мустамлака ҳукмронлигини ўрнатди. Мустамлака ҳукмронлик корейликлар ўртасида фидоийлик руҳининг кўтарилишига сабаб бўлди. Корея зиёлилари Япониянинг расмий равишда ўрнатган ассимиляция сиёсатидан ғазабга келди, чунки бу сиёсат Корея мактабларида корейс тилида ўқитишни таъқиқлаб қўйган эди. 1919 йил 1 мартда бутун мамлакат бўйлаб қаршилик тўлқини бўлиб ўтди, бунинг натижасида минглаб одамлар ҳалок бўлди. Биринчи март ҳаракати инқирозга учраган бўлса-да, у миллат онгида ўз-ўзини англаш, фидоийлик руҳини уйғотди.

Кореяликлар 1 март куни нишонлайдиган Мустақиллик учун Ҳаракат куни - Давлат байрами ҳисобланади. Мустамлака ҳукмронлиги даврида Япония Кореяни иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилди. Мустамлака ҳукмронлиги даврида корейликларнинг ҳаёти жуда ҳам оғирлашиб борган ва бу ҳол Япония 1945 йил Иккинчи Жаҳон урушида талофат кўргунга қадар давом этган.

1948 йилда Ли Син Ман Кореянинг биринчи Президенти этиб сайланди. Шу вақтда, Ким Ир Сен бошчилигида шимолий қисмда

коммунистик тартибот ўрнатилди. 1950 йил 25 июнда Шимолий Корея Жанубга кенг кўламда бостириб кирди ва уч йиллик урушни бошлаб юборди. Бу урушга америкалик, хитойлик ва бошқа чет эл кўшинлари жалб этилди. Уруш оқибатида бутун орол вайронага айлантирилди. 1953 йил июл ойида урушни тўхтатиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Уруш натижасида уч миллион киши яраланди ва ҳалок бўлди, миллионлаб одамлар бош панасиз қолди ва оиласидан ажралиб қолди. Бу вақтда Корея демократияси ҳали етилмаган эди, мамлакат катта сиёсий ва иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда эди. Ли Син Ман президентлик лавозимидан олиб ташлангач, 1960 йил август ойида Демократик партиянинг йирик сиёсий арбоби Чан Мён томонидан ҳукумат ташкил этилиб, иккинчи республика эълон қилинди. Бироқ янги ҳукумат 1961 йил 16 майда ҳарбий тўнтариш натижасида тугатилди. 1963 йилда бўлиб ўтган сайловларда Пак Чжон Хи мамлакат президенти этиб сайланди. Пак ҳукумати мамлакатни тезлик билан саноатлаштира бошлади ва 1960-1970 йилларда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришди. 1979 йил октябр ойида Президент Пак Чжон Хи ўлдирилиши мамлакатда ҳарбий ҳолат ўрнатилиши ва ўтиш даврининг бошланишига олиб келди.

80 – йилларда бутун мамлакат бўйлаб демократизациялаштириш ҳаракатлари кучайиб кетди. 1987 йилда Конституцияга, мамлакат Президентини сайловчи умумхалқ сайловлар ўтказиш тизимини тикловчи ўзгартиришлар киритилди. Собиқ генерал Ро Тхэ У, Конституциянинг янги нашрига биноан, мамлакатдаги рўй бераётган демократик ўзгаришлар натижасида, 32 йил ичида фуқаролар орасидан сайланган биринчи Президент бўлди.

Кўп йиллар давомида мамлакатни демократлаштириш ҳаракатининг фаол қатнашчиси бўлган Ким Ён Сам 1992 йилда бошқарув партияси кандидати бўла туриб, Президент этиб сайланди. 1997 йил сайловларида мамлакат Президенти этиб Ким Дэ Чжун сайланди.



Но Му Хён ҳукумати ёки “кенг кўламда иштирок этувчи ҳукумат” 2003 йил 25 февралда ўз фаолиятини бошлади. Корея Республикасининг тарихида 16- бўлиб ҳисобланган Но Му Хён ҳукумати ўз олдига учта мақсад қўйди: Демократия халқ билан бирга, мувозанатлаштирилган ривожланиш жамияти ва Шимоли-шарқий Осиёда тинчлик ва равақ этувчи даврни бошлаш.

## **1.2. Корея Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари тизими, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлидаги дипломатик фаолият**

1991 йил сентябр ойида Корея республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Корея Республикаси БМТ га аъзо бўлмасдан аввал БМТнинг Халқаро Валюта фонди (ХВФ), Қайта куриш ва ривожлантириш халқаро банки (ҚҚРХБ), Саноатни ривожлантириш БМТ ташкилоти (ЮНИДО), БМТнинг таълим, фан ва маданият ташкилоти (ЮНЕСКО), Тарифлар ва савдо бош келишувида (ГАТТ) ва бошқа муҳим давлатлараро ташкилотларда фаол иштирок этиб келган. 1993 йил сентябр ойида Корея Республикаси Сеулда бўлиб ўтган Осий ва Тинч океани ҳудудларида наркотикка қарши кураш бўйича ўтказилган 18- Миллий ташкилотлар раҳбарларининг кенгашида иштирок этган. Корея Республикаси БМТ аъзоси сифатида халқароро ҳамжамиятда ўз аҳамиятини кенгайтириш йўлида сайи-ҳаракатлар қилиб келмоқда. 1992 йилда мамлакат БМТ нинг бир қанча муҳим ташкилотлари аъзоси бўлди. 1992 йил октябр ойида бўлиб ўтган БМТ Давлат ассамблеясининг 47-сессиясида Корея Республикаси Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш таркибига (ЭКОСОС) қабул қилинди. 1993 йил январ ойида бўлиб ўтган ЭКОСОС сессиясида Корея Республикаси Кенгашнинг вице-президенти этиб сайланди ва ушбу ташкилотнинг Комитет раиси этиб сайланди. Шунингдек, Корея Республикаси 1993 йилда тузилган, ЭКОСОС доирасидаги атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича янги ташкилотнинг ҳайъат аъзолигига танланди.

БМТ аъзоси бўлган Корея Республикаси ўн йиллик давр ичида бу ташкилотнинг асосий фаолият доирасида фаол иштирок этиб келди, масалан, можароларни бартараф этиш ва тинчликни сақлаш, қуролсизланиш йўлидаги музокаралар, атроф муҳитни муҳофаза этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш лойиҳалари. 1996-1997 йилларда Корея Республикаси Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси сифатида кўрсатган фаолияти унга бебеҳо тажриба орттиришга ёрдам берди, бу эса халқаро майдонда мамлакат дипломатик статусининг мустаҳкамланишига туртки бўлди.

Корея Республикаси 1948 йилда ташкил топгач, демократия ғоялари ва эркин бозор иқтисодиётини ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Охириги ўн йиллик ичида унинг бошқа мамлакатлар билан муносабати бир мунча ўзгарди. Ғарб ва Шарқ ўртасида турган АҚШ ва СССРнинг бир-бирига қарама-қаршилиги Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг “совуқ уруш”га айланиб кетишига қарамай, Корея Республикаси ўзининг халқаро муносабатларини демократия тарафдори бўлган Европа мамлакатлари билан ривожлантириб борди. Корея уруши тугагандан сўнг (1950-1953), биринчи йилларда халқаро ҳамжамият Корея Республикисида вайрон бўлган ва қашшоқлашган мамлакатни кўрди. Бироқ бу манзара 1962 йилларга келиб тамомила ўзгарди, Корея Республикаси экспортга қаратилган иқтисодий ривожланиш йўлидан борди ва бутун дунё билан савдо алоқаларини ривожлантирди.

1960 йиллардан бошлаб Корея Республикаси чет эллик иш ўрганувчиларни ўзига таклиф этиб, корейлик мутахассисларни чет элларга юбориб, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. 1991 йил апрел ойида Корея Республикасида Ташқи Ишлар Вазирлиги қошида ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ҳалқаро Ҳамкорлик Корейс Агентлиги (КОИСА) ташкил этилди. Ушбу Агентлик Корея Республикисининг нуфузини оширишда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

1970 йиллардан бошлаб Корея Республикисининг дипломатик ҳаракатлари ярим оролнинг мустақил бирлашуви ва тинчлигига қаратилган.

Мамлакат, шунингдек иттифоқчилар билан алоқаларини мустаҳкамлаб, халқаро ташкилотларнинг ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Ташқи сиёсатга мустаҳкам асос солингандан сўнг, Корея Республикаси 1980 йиллар давомида ҳамма соҳаларда барча мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб борди. 1990 йилларнинг бошларида Шарқий Европа ва Совет Иттифоқида рўй берган ўзгаришлар “совуқ уруш”нинг тугашига сабаб бўлди, айнан шу вақт ичида Корея Республикаси бу шароитдан фойдаланган ҳолда, “шимолий дипломатия” сиёсатини амалга ошира бошлади. Тезкор равишда “шимолий дипломатия”ни ўтказиши натижасида Корея Республикаси собиқ Совет Иттифоқи давлатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашга эришди.

1991 йил сентябр ойида Шимолий ва Жанубий Корея бир вақтда БМТга аъзо бўлишди. Кейинчалик, 1991 йил декабр ойида Жанубий ва Шимолий Корея ўртасида тинч-тотув яшаш учун асос солинган, Корея ярим оролини ядросиз ҳудудга айлантириш ҳақидаги ўзаро келишув имзоланди. Бу тарихий ҳужжатлар ярим оролда ва умуман Шимоли-шарқий Осиёда тинчлик куриш учун асос бўлиб хизмат қилди ва айирилган миллатнинг бирлашиш йўлидаги кўйилган биринчи қадам бўлди.

1991 йил декабр ойида тузилган Корея Фонди Ҳалқаро маданий алмашинув дастурини ривожлантириб келмоқда.

Корея Республикаси асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар – Япония, АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатлари билан савдо алоқаларини олиб боради. Савдо ҳажмининг ошиши натижасида Корея Республикаси ривожлanaётган мамлакатлар ва Шарқий Европа давлатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириб, кенгайтириб бормоқда, чунки Корея иқтисоди ва савдоси ўсиб бормоқда, мамлакатнинг ишлаб чиқариш тизими эса технологик ҳажмдаги соҳаларга мўлжалланган. Ривожланган мамлакатлар савдо, фан ва технологиялар соҳасида Корея Республикасининг асосий ҳамкорлари бўлиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, мамлакат ўзаро манфаатларни кўзлаган ҳолда, ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ривожланган

мамлакатлар сингари ўз бозорларини ишлаб чиқариш маҳсулотларидан тортиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш доирасига қадар очади. Озон қатламининг камайиши, иқлимнинг исиб кетиши, ўрмонларнинг йўқолиб кетиши каби катта экологик муаммолар инсоният олдида янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. 1992 йил июн ойида ўтказилган атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича БМТ нинг Ер курраси саммити номи остида танилган конференциясида иқтисодий ривожланиш атроф муҳитга зарар келтиради деган тушунча ноўринлигини исботлаб берди. Корея Республикаси иқтисодий ривожланиш ва атроф муҳит билан уйғунлик, савдо ва экология ўртасидаги мувозанат, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган ҳалқаро ҳаракатларда иштирок этиш йўллариини изламоқда.

### **1.3. Корея Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари кесимида чет эл сармоялари ва сармоядорларни қўллаб-қувватлаш**

Корея Республикаси ҳукумати ривожланишнинг янги моделини таклиф этди, бу ўз ичига иш амалиёти сифатини оширишдан, ҳалқаро стандартларгача олиб чиқиш, меҳнат ресурслари ва технологияларни ривожлантириш ва институцион тизимнинг самарасини оширишдан иборат. Мамлакат раҳбарияти ислохотлар йўлидан бормоқда ва келгусида ҳам молия ва корпоратив секторда тизимни янгилаш ишларини олиб бориш тарафдоридир, шу билан бир вақтда, иқтисодий ўсишни таъминловчи эгилувчан макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Корея Республикасининг мақсади, ўтмишга илдиз отган муаммоларни ҳал этиб, 21 асрга мос келувчи, ривожланган иқтисодиётли иқтисодий тизим тузишдан иборат.

Корея Республикасининг ташқи савдо ҳажмини 2005 йил мамлакат ЯИМ нинг 70 % га тақосласа бўлади, чет эл сармоялари билан ишлаган компаниялар даромади эса умумий сотилган саноат моллари ҳажмининг 14

% ни ташкил этди. Шунинг учун мамлакат босқичма-босқич ва фаоллик билан четэл сармоялари билан ишловчи компанияларни қўллаб-қувватламоқда.

Корея Республикаси 2006 йилда 11 млрд. АҚ долл. чет эл сармоясини жалб этди. Сармоядорлар молия ва суғурта соҳаларидан ташқари, фан ва технологиялар соҳасига, логистик марказлар ва кўп миллатли корпорацияларнинг штаб-квартираларини очишга қизиқиш билан карашмоқда. Жанубий Кореяда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган электроника соҳаси ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

2005 йилда Корея Республикаси Интеллектуал мулк Ҳалқаро ташкилоти томонидан рўйхатга олинган Ҳалқаро патентларга берилган талабномалар сони бўйича олтинчи ўринни эгаллади. Кореянинг яна бир афзаллиги, унинг одам ресурсларидир. Ҳар йили фан ва муҳандислик мутахассислиги бўйича 100 мингдан ортиқ мутахассислар мамлакат университетларини тугатишади. Йилдан - йилга магистрлик ёки фан номзоди унвонини олишга интилаётган талабалар сони ортиб бормоқда. Сармоядорлар учун эса бу янги маҳсулотлар ва хизматларнинг очилиши учун жуда ҳам қулай шароитларни яратади.

Мамлакат келажаги учун сармояларнинг аҳамияти катталигини инобатга олган ҳолда, Корея Республикаси сармоядорлар учун барча қулайликларни яратишга имкон қадар ҳаракат қилмоқда. Ҳукумат томонидан 2002 йил апрел ойида, бизнесни янада жалб этиш ва Жанубий Корея валюта бозорини Шарқий Осиё молия марказига айлантириш мақсадида, ўрта муддатли ва узоқ муддатли чет эл валютаси бозорини ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди. 2011 йилга қадар мўлжалланган бу режалар уч босқичга ажратилган. Албатта биринчи ва иккинчи босқичдаги чет эл валютасини либераллаштиришга оид бўлган чекланмалар 2011 йилга келиб бекор қилинади. 2002 йилда Корея Банкининг сертификатлаштируви жараёни бекор қилинди ва хусусий шахслар ва компанияларнинг молиявий операциялари жараёнидаги ҳужжатларни расмийлаштириш бир мунча

соддалаштирилди. Мамлакат ташқарисида маблағ қўйиш жараёнини жонлантириш мақсадида, 2005 йилда ҳукумат либераллаштириш масалалари устида фаол иш борди. 2006 йилда маблағ билан боғлиқ бўлган барча операциялар лицензия тизимидан оддий ахборот бериш тизимига ўтказилди, бу эса ўз навбатида сармоя келишининг либераллашувини фаоллаштирди.

Тўғридан-тўғри сармоялашга таълуқли бўлган барча қонун ва қоидалар осонлаштирилди ва ягона ҳуқуқий тизимга келтирилди, буларнинг барчаси 1988 йил ноябр ойида кучга кирган “Чет эл сармояларини рағбатлантириш ҳақидаги Қонун” да мужассамлантирилган. Чет эл сармояларини тўғридан-тўғри жалб этиш мақсадида турли хил рағбатлантириш усуллари, шу қаторда солиқлардан озод этиш ёки солиқлар меъёрини пасайтириш каби усуллар қўлланилади. Ҳукумат томонидан импортга бўлган чекланишлар, махсус тарифга киритилган маҳсулотлар рўйхати бекор қилиб борилади.

Корея Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини либераллаштириш жараёни жуда ҳам қийин кечди, чунки ички хизмат кўрсатиш бозори яхши ривожланмаган эди. Бироқ шунга қарамай, ҳукумат томонидан ушбу бозорнинг тўлиқ очилишига қаратилган бир қатор бир томонлама чоратадбирлар кўрилди. Масалан, ҳаётни суғурта қилиш соҳаси чет эллик суғуртачилар учун очиб қўйилган. Чет эл банклари миллий ташкилотлар сингари барча ҳуқуқларга эга. Қачонлардир фақатгина чет эл сармоясининг улушли иштироқи бўлган қўшма корхоналар учун очик бўлган реклама бозори, бугунги кунда буткул чет элликлар учун очиб юборилган. Интеллектуал хусусийлик ҳуқуқини мустақкам ҳимоя қилиш мамлакатнинг юқори технологик даражаси ва асосий савдо ҳамкорлари билан ҳамкорлик қилишда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳукумат томонидан тан олинади. Шу сабабдан, 1987 йилдан бошлаб ҳукумат томонидан интеллектуал хусусийлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида тубдан ислохотлар ўтказилди. Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунда корейлик ва чет эллик муаллифларнинг ишларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш назарда тутилган. Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг умр давомида ва

унинг вафотидан сўнг 50 йил кучга эга. Бундан ташқари, интеллектуал хусусийликка тажовуз қилишдан ҳимоя қилиш кафолати компютер дастурларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Корея Республикасида, бошқа мамлакатлардаги сингари, қишлоқ хўжалиги сиёсати жиддий ижтимоий ва сиёсий муаммолар туғдириши мумкин ва бу муаммолар ушбу соҳани либераллаштиришни бир мунча қийинлаштирмоқда. Корея Республикасининг бу масаладаги энг нозик ери фермерларга бериладиган экин экиш майдонларининг камлигидандир. Бирок шунга қарамай, Корея Республикаси ҳукумати ўз ҳаракатларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ички бозорини очишга йўналтирмоқда. 1988 йил декабр ойида ҳукумат томонидан 1991 йилгача бўлган давр ичидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти импортни либераллаштириш режаларини кўриб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ўзгартирилган режалар либераллаштириш соҳаларини кенгайтиришга ёрдам берди ва бозорларнинг очилиш жараёни тезлашди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ГАТТ Уругвай раундида Корея Республикаси турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорига криш йўллари яхшилаш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

## **2-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **2.1. Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги босқичи**

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни катта масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустақкам дўстлик ришталари, халқларимизни тарихий маънавий яқинлик боғлаб туради. Бу яқинликнинг теран асослари бор. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган корейсларга юртимизда қандай меҳр-мурувват кўрсатилганини Корея аҳли мамнуният билан ёдда тутди. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хос фазилатлардир. Маънавий яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари ҳақида сўз кетганда, аввало, давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстликни таъкидлаш керак. Бу дўстлик Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бак Сеул мэри бўлган йиллари бошланган. 2008 йилда Ли Мён Бак президент сайловида ғалаба қозониб, давлат раҳбари лавозимини эгаллагач, инаугурация маросимида олий фахрий меҳмон сифатида Ўзбекистон раҳбарини таклиф этди. 2009 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари Тошкентда учрашдилар.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги муносабатларини ривожлантиришдаги фаолликдан далолат беради. Бундай учрашувлар ҳали томонлар ҳамкорликда ўзлаштирмаган янги соҳаларни кашф этишга, янги кўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга йўл очди, янада манфаатли алоқалар истиқболини яқинлаштиради.



Сеулда навбатдаги Ўзбекистон –Корея саммитига катта ҳозирлик кўрилган. Аэропортда, шаҳарнинг марказий кўчаларида икки давлат байроқлари хилпирайди, ўзбек ва корейс тилларида ёзилган қутлов сўзлари кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини “Чонг Ва Дэ” қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислон Каримов ва Ли Мён Бак шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ислон Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далолати эканини, айти пайтда Тошкент ҳам Сеул билан алоқаларни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ли Мён Бак ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сиёсат майдонида бири-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бири-бирини қўллаб –қувватлаб келади. Хусусан, Ли Мён Бак 2018 йилда бўладиган Қишки олимпия ўйинларига

меzbонлик қилиш учун Пхёнчхан шаҳри номзодини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбекистон Сеулнинг Корея яриморотидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг “Янги Осиё дипломатияси” ташаббуси ҳамда энергетик стратегиясини қўллаб қўватлайди. Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси –Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлангани Корея Республикасида юксак қадрланади. Таъкидлаш жоизки, Ислон Каримов ва Ли Мён Бак Шимолий Кореянинг ядросизлантирилиши Шимоли-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим шарти экани борасида ҳамфикрдир.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефть-газ, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот –коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг қўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажминини ошириш масалаларини кўриб чиқади. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тузилган.

Ислон Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бирidir. Унинг мамлакатимиз иқтисодийётига киритган сармояси 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Айниқса, нефть-газ, кончилик, нефть кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида йирик лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизда барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунга ёркин мисолдир. Ушбу зонадаги китъалараро интермодал логистика маркази МДХда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда.

2009 йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Кореялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди. Натижада умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 та сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Бу шундан далолат берадики “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга турини ўзлаштириб, дунёдаги санокли автомобилсоз давлатлар қаторида ўрин олади.

“Корея газ корпорацияси” (“КОГАЗ”) билан ҳамкорлик нафақат газ конларида геология – разведка ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш, балки йилига 445 минг тонна полиэтилен ҳамда полипропилен ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олган. Яъни газ хом ашёсини қайта ишлаб,

юқори кўшимча қийматли маҳсулот чиқарилади. Бу лойиҳа доирасида 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида Жанубий Корея сармоясини жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард доллардан ошди. 2009 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Юртимизда 351 Ўзбекистон - Жанубий Корея кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Музокараларда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар. Шу билан бирга, ҳозирга қадар эришилган натижалар Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг салоҳият ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмаслиги таъкидланди. Имкониятларни тўла ишга солиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

## **2.2. Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги гуманитар ҳамкорлик**

1992 йилда Тошкентда Корея таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлати жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда “Ўзбекистон Корея” касбга тайёрлаш марказини очиш лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти бўлди. У ерда ҳар йили 360 нафар йигит-қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таҳсил олади.

1999 йили Тошкентда очилган “Ўзбекистон – Корея Респубилкаси” дўстлик жамияти маданий алоқаорини ривожлантиришга катта ҳисса кўшмоқда. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Респубилкасида ўтказилган “Марказий Осиё нафосати” фотокўргазмаси, “Сўғдиёна” ансамбилининг “Ипак йўли руҳи” концерти, “Ипак йўли фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги шулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созандалар Самарқандда ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалида доим фаол иштирок этади.

Ушбу ташриф мунтазамлик тусини олган ўзаро ишончли мулоқатларининг мантикий давомидир,-деди Ислон Каримов.-Биз синалган стратегик шерик мамлакат билан муносабатларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Сўнгги вақтларда мамлакатларимиз, айниқса, йирик қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этиш борасида фаол ва самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда, -деди Ли Мён Бак.-2009 йил кўплаб давлатлар учун оғир келди. Ўзбекистон эса иқтисодий ўсишга эришди ва йирик халқаро лойиҳалар ижросини давом эттирди. Жанубий Корея Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорлик қилади. Биз Ўзбекистон билан иқтисодиёт, таълим, маданият ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, айти пайтда халқаро майдонда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2008 йил 12 майда имзоланган 2008-2011 йилларда Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) имтиёзли кредитларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳадли битимга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги битим, муқобил энергия манбалари ва энергия тежаш технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини куриш

ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битим имзоланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи доирасида икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида жами 16 та ҳужжат имзоланди. Уларда инфратузилма, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, ўсимликлар карантини, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва қатор бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Тошкентда Сеул боғини барпо этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазири Чон Ун Чан билан учрашди. Мулоқот чоғида ташриф асносида эришилган келишувларни амалиётга тўла ва муваффақиятли татбиқ этиш учун икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислам Каримов Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Хён О билан ҳам музокара ўтказди. Давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида парламентлараро алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

### **2.3. Корея Республикасининг Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудидаги иқтисодий иштироки ва истиқболлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида МДХ мамлакатларида биринчи бўлган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг муваффақиятини белгиловчи энг муҳим жиҳатлардан бири – бу унинг ёнида жойлашган трансконтинентал интермодал хаб бўлиб, у 2009 йил январидан буён юк

ташиш бўйича дунёда етакчи саналган “ Korean Eut” компанияси томонидан бошқарилмоқда. 2009 йил 5 март куни Сеулда “Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона – корейлик шериклар учун Ўзбекистондаги янги инвестицион имкониятлар” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Анжуманда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи энг истиқболли лойиҳалардан бирининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Конференциядан кўзланган асосий мақсад – Корея Республикасидаги ишбилармон доиралар вакиллари Навоийда ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона, хорижлик инвесторларга таклиф этилаётган имтиёзлар билан кенг таништириш эди. Сеулдаги “ Lotto” меҳмонхонасининг 1200 кишига мўлжалланган конференциялар зали иштирокчилар билан тўлди, мавзуга қизиқиш шу қадар кучли эдики, анжуман ишини кўпчилик ҳатто тик туриб эшитишига тўғри келди.

Юртимиз ишбилармон доирлари вакиллариининг делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов раҳбарлик қилди. Делегация таркибидан шунингдек, мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, нуфузли тадбиркорлар ўрин олди. Конференцияни Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су табрик сўзи билан очиб бергани Корея ҳукумати мазкур анжуманга катта эътибор берганини яққол тасдиғи бўлди. У, жумладан, Корея билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқалар йўлга қўйилганини таъкидлаб, ўзаро ҳамкорлик кудан-кун кенгайиб, янада мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди ва Навоийда ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунинг далили бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик хати ўқиб эшиттирилди. Унда таъкидланишича, «бизнинг Корея Республикаси билан бўлган жадал суръатдаги ҳамкорлигимиз 2006 йилда ўрнатилган стратегик шериклик асосида ривожланиб, бу, ўз навбатида,

нефть, газ, уран, қимматбаҳо ва ноёб металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, тўқимачилик, машинасозлик ва автомобилсозлик соҳаларидаги муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратиб берди». Автомобиль, темир ва ҳаво йўлларининг энг муҳим чорраҳасида жойлашган Навоий шаҳри аэропорти Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлайди.

Яқин вақт ичида Навоий шаҳри аэропорти ҳаво қатнови орқали Осиё ва Европанинг Сингапур, Дехли, Бангкок, Франкфурт ҳамда Милан каби йирик шаҳарлари билан боғланади. Тақдимот маросимида таъкидланганидек, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида махсус солиқ, божхона ҳамда валюта режимлари, резидент бўлмаганлар учун кириш ва чиқиш, ишлаш учун рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади.

Бундан ташқари, ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, ягона солиқ тўловидан озод қилиш каби чоралар кўзда тутилган. Анжуманда бир неча йилдан буён Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган корейлик бизнесменларнинг чиқишлари катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши берадиган янги имкониятлар тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Конференция давомида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошувчи 35 та инвестицион лойиҳа ва битимлар имзолангани анжуман нақадар муваффақиятли ўтганидан далолат бериб турибди. Учрашув доирасида, шунингдек, ҳамкорликнинг устувор йўналишларига бағишланган тематик давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда нефть ва нефть-газ, газ ва газ-кимё, тўқимачилик, электротехника саноати, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, туризм соҳаларидаги аниқ инвестицион лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Корея



ўртасидаги иқтисодий муносабатлар суръати кундан-кун юксалиб бормоқда. Биргина 2008 йилда Ўзбекистонга Корея ишбилармон доираларининг 80 дан зиёд делегацияси ташриф буюрди.

Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши билан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортиб, таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бу нафақат Корея компаниялари, балки бошқа мамлакатлар ишбилармонларининг фаоллигини оширишга хизмат қилади. Анжуманда Корея Республикаси ишбилармон доиралари Ўзбекистон-Корея муносабатларининг бугунги аҳволи ва Навоий шаҳрида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар. Корея Республикаси ер, транспорт ва сув ресурслари вазири Чун Чжон Хван: – Корея билан Ўзбекистон кўп жиҳатдан бир бирига ўхшайди. Кореянинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакат урушдан кейинги бир неча ўн йил ичида иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаб, иқтисодиёт ва саноат ҳажми бўйича дунёдаги ўн биринчи мамлакатга айланганини кўришимиз мумкин.

Юртимизнинг бундай жадал суръатдаги ўсишига фақатгина халқимизнинг тараққиётга бўлган интилиши, фидокорона меҳнати эвазига эришилди. Агар мамлакатимизни Ўзбекистон билан солиштирадиган бўлсак, ўзбек халқи ҳам тараққиёт ва фаровонликка эришиш учун астойдил ҳаракат қилаётганини таъкидлаш жоиз бўлади. Лекин шу билан бирга Ўзбекистонда бизда бўлмаган табиий бойликлар ҳам мавжуд. Мамлакатингиз ўз саноат-ишлаб чиқариш базасини оқилона шакллантирса, логистика инфратузилмасини ривожлантирса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги оқилона сиёсатини такомиллаштира – Ўзбекистоннинг муваффақияти таъминланишига ишончим комил. Ўзбекистоннинг денгизга чиқадиган йўли йўқ. Лекин Навоийдаги логистик ҳаб лойиҳасини амалга ошириш орқали мазкур камчиликни енгиб ўтиш мумкин. Бу ерда автомобиль ва темир йўллари ҳаво йўллари билан уўғунлашади. Бу эса Ўзбекистонга иқтисодий тараққиёт борасида жиддий силжишга эришиш имконини беради.

Корея компаниялари Навоий зонасидаги фаолиятини жадаллаштиришига ишончимиз комил ва улар Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланишига умид қиламиз.

Ўз навбатида, Корея ҳукумати Ўзбекистон бозорига чиқадиган корейлик бизнесменларни фаол қўллаб-қувватлайди. Бугунги тақдирот Корея компанияларининг Ўзбекистондаги инвестицион фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қилиб, Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона уларнинг дунё бозорларига чиқишидаги ўзига хос плацдарм бўлишига умид қиламан. Ҳаво орқали юк ташиш бўйича дунёда етакчи ҳисобланган “ Korean Eup” компанияси вице-президенти Чанг-Хун Чи: – Илгари Кореяда ҳам экспортга йўналтирилган тузилмалар фаолият юритган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиш жараёни ёдимда.

Бу – мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки берди. Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона кўплаб хорижий фирма ва компанияларни жалб қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади. Мамлакатингиз юқори малакали инсон ресурслари, ер ости табиий бойликлари ҳамда Марказий Осиёдаги қулай жўғрофий жойлашувга эга. Навоий сармоядорлар учун энг жозибали жойга айланишига ишончим комил. Корея республикаси янги технологияларга эга, Ўзбекистон эса уларни ҳаётга тадбиқ этиш истагида. Агар биз мана шу икки жиҳатни бирлаштира олсак, бундан икки томон ҳам ютади.

Мамлакатларимиз президенти – Ислон Каримов ва Ли Мён Бак ташаббуси маҳсули бўлган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси яқин келажакда ўз ижобий натижасини беришига ишонаман. “ DEU Interneshnl” кўп профилли (минерал ресурсларни қазиб олиш, молиялаштириш, энергетикани ривожлантириш, рангли металллар, газ ва нефть қазиб олиш, савдо, тўқимачилик) компанияси президенти Ким Чже Энг: – Ўзбекистон Республикаси минтақанинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда, муваффақиятли бизнес юритиш учун қатор қулайликларга эга. Юқори малакали инженер-техник кадрлар, такомиллашган қонунчилик

базаси, арзон нархдаги муҳандислик-энергетика коммуникациялари Корея компанияларини мазкур бозорга жалб қилувчи омиллар ҳисобланади. Бошқа ижобий жиҳатлар шундаки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва уларнинг ҳудудига ўз тайёр маҳсулотларини божхона тўловларисиз экспорт қилиш имконига эга. Ўзбекистон бой минерал ресурсларга эга бўлиб, аминманки, сиёсий барқарорлик шароитида инвестицияларни жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига энг янги технологияларни тадбиқ қилиш жараёни ҳам давом этади.

Буларнинг бари яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатдаги ўсишини таъминлайди. Мамлакатимиз Ўзбекистон бозорига 1993 йилда кириб борди. Компания автомобилсозлик, молия, савдо, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, мобил алоқа, электроника, тўқимачилик соҳаларида фаолият юрита бошлади. Ўзбекистондаги учта тўқимачилик фабрикамизга энг замонавий ускуналар ўрнатганмиз. Бу каби кенг миқёсли ишлаб чиқаришни нафақат Ўзбекистон, балки Кореяда ҳам учратиш мушкул. Мазкур корхоналарда ип газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ бозорларига етказиб берилади.

Айни пайтга қадар қиймати 470 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич 500 миллион доллардан ошади деган ниятдамиз. Шу орқали биз DEU нинг Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтдик. 1997 йилги молиявий инқирозни енгиб ўтиб, “ DEU Interneshnl”га айланган DEU Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишда давом этмоқда. Ўзбекистон бозоридаги фаолиятимиз давомида бу ердаги шерикларимиз ишончли эканига амин бўлдик. Ўзбекистон билан алоқаларимизни давом эттиришга тайёرمىз. Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона эса мазкур ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш учун яхши имкониятдир. “ Koreya Plennev ” (қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири) раиси Хонг Чанг Хван: – Бугунги анжуманда

иштирок этиб турганимдан ниҳоятда мамнунман. Ўзбекистонни мен яхши биламан, ажойиб мамлакатингизда фаолият юритганман.

Ўйлашимча, Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонага бағишланган бугунги конференция, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожига ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига кучли тurtки беради. Президент Ислom Каримовнинг оқилона, узоқни кўзловчи сиёсати Ўзбекистонга инвестицияларни жалб қилиш учун кўлай шароит яратмоқда. Юртингиздаги қонунчилик базаси ҳамда бизнес тизими ниҳоятда яхши йўлга қўйилган бўлиб, хорижий инвесторлар учун айниқса жозибадор. Шу боис мен корейлик шерикларимга инвестицияларни ҳеч иккиланмай Ўзбекистон иқтисодиётига киритиш керак эканини айтиб келаман. “Vlyustar enerdji” энергетика компанияси президенти Шин Су Юн: – Бир неча йиллардан буён Корея билан Ўзбекистон дўстона ҳамкорлик ўрнатиб, барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда. Аминманки, мамлакатларимиз томонидан бошланаётган янги лойиҳа самарали бўлиб мамлакатларимизга катта иқтисодий фойда келтиради. Мазкур лойиҳанинг тез орада ҳаётга татбиқ этилишига умид қиламан. Ўзбекистонда нафақат пойтахт, балки вилоятларни ривожлантиришга ҳам бирдек эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Собиқ совет иттифоқининг Марказий Осиёдаги барча республикалари ривожланишнинг тахминан бир хил даражасида эди. Уларнинг кўпчилигининг раҳбарлари иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва бунинг учун хорижий технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш ниятида эканини таъкидлар, лекин гап гаплигича қолиб кетди. Ўзбекистон бу режаларни амалга ошираётган минтақадаги ягона мамлакат бўлиб, янги замонавий технологияларни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишга тайёр эканини амалда исботламоқда.

Бугунги тақдимот Ўзбекистонда Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун катта миқёсдаги ишлар амалга оширилганини намоён этди. Ҳозир давом этаётган жаҳон иқтисодий

инқирози шароитида Кореянинг кўплаб компаниялари турли лойиҳалар доирасидаги инвестицион фаолиятини бироз сусайтирди. Аммо Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона корейлик ишбилармонларга инқироздан яхши натижалар билан чиқиш имконини беради, бунга ишончим комил. Шундай экан, бу имкониятни қўлдан бой бериш мумкин эмас. Газ қуйиш станцияларини етказиб берувчи “Blitiks” компанияси вице-президенти Ли Чан Сик: – Мазкур анжуманда иштирок этаётганимдан мамнунман. Илгари Ўзбекистоннинг иклими, корейс халқиникига ўхшаб кетадиган ҳаёт тарзи, айрим урф-одатлари ҳақида тасаввурга эга эдим. Менимча, айнан мана шу ўхшашлик осонлик билан тил топишишимиз ва бугунга қадар ривожланиб келаётган дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига хизмат қилди. Ўзбекистонда корейлик ишбилармонларга яратилаётган қулайлик ва имтиёزلардан мамнунмиз. Шу боис биз ишончли ҳамкорларга айландик. Бугунги конференцияда Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонадаги имтиёзлар, иш шароити тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонада фаолият юритадиган корхоналарга берилувчи имтиёзлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг ёрқин истикболига бўлган ишонччи янада мустаҳкамламоқда. Биз Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўллаб-қувватланган мазкур лойиҳага 100 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштирмоқдамиз. Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали Ўзбекистон билан Корея халқи ва ҳукуматини мамнун қиламиз деган умиддаман. Ташриф доирасида делегация вакиллари Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су билан учрашди. Шунингдек, турли вазирлик ва идоралар, қатор компанияларда ҳам музокаралар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди, деб ёзади “Жаҳон” АА.

## ХУЛОСА

Корея Республикаси 1997 йилда бошланган иқтисодий тангликни бошдан кечирди. Осиё бозорларини чулғаб олган бу танглик мамлакатнинг улкат иқтисодий ютуқларига таҳлика солди. Бироқ, ХВФ билан келишувларни босқичма-босқич бажарилиши, Корея Республикаси ҳукуматининг қатъиятли равишда ислохотларни амалга оширишда давом этиши ва кредитор-банклар билан ташқи қарзлар юзасидан музокаралар олиб борилиши натижасида бугунги кунга келиб, мамлакат иқтисодий ўсишнинг тикланиши йўлидан кетмоқда.

Ташқи алоқаларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегиясида асосий куч экспортга қаратилди ва бу чоралар Корея Республикаси иқтисодиётига катта ўзгаришлар олиб кирди. Ушбу стратегия асосида кўплаб иқтисодий ривожлантириш дастурлари амалга оширилди. Натижада 1962 йилдан 2005 йилга қадар бўлган давр ичида мамлакатнинг ЯММ 2,3 дан 786,8 млрд. долларгача ошди, киши бошига даромад ҳажми эса 87 доллардан 16 минг 291 АҚШ долларига етди. Корея импорти, либераллаштириш сиёсати ва аҳоли даромади даражасини ошириш ҳисобига доимо ортиб борди. Корея Республикаси дунёда энг катта импорт бозорларидан бири ҳисобланади. 1995 йилда импорт кўрсаткичлари Хитой кўрсаткичларидан ошиб кетди ва Малайзия, Индонезия ва Филиппинни ҳаммасини бирга олгандаги кўрсаткичларга эришди. Хом нефт ва табиий минераллар, оммавий истеъмол моллари, озиқ-овқат, машина, электрон ва транспорт ускуналари, ишлаб чиқариш учун хом-ашёлар импортнинг асосини ташкил этади.

1996 йилда мамлакат Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 29- аъзо - мамлакати бўлди (ОЭСР). Бугунги кунда Корея Республикаси, 21 асрда Осиё давлатлари ўртасида кучли иқтисодий блок марказига айланишга ҳаракат қилмоқда. Шимоли-шарқий Осиё иқтисодий ривожланиш учун керак бўлган барча муҳим ресурсларга эга.

2008 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ташки савдо айланмаси 23,7% га ўсиб 1.056млн. АКШ долларини ташкил этди, улардан экспорт - 91,5 млн.дол.(31.3% га ўсиш), импорт – 965,1 млн.дол. (87.7% га ўсиш).


Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда - 2009 йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра Ўзбекистонда Корея сармояси иштирокида 351та кўшма корхона ташкил этилган бўлиб, улардан 57таси юз фоизлик корея сармояси иштирокида. Корхоналар савдо-сотиқ, енгил, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, метални қайта ишлаш, коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм ва хизмат соҳаларида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, транспорт хизматлари, текстиль ишлаб чиқариш, электроника сервис хизмати ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи 91 та Корея компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 138 кўшма корхона, ушбу давлатнинг 37 компанияси ваколатхонаси фаолият кўсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон – Корея ва Корея – Ўзбекистон қўмиталари бу борадаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари билан шуғулланмоқда.

## ИЛОВА – 1.

### Прямые иностранные инвестиции в РК



## ИЛОВА – 2.

### ЭКСПОРТА ГЕОГРАФИЯСИ (%)

1994	1995	1996	1998	2004
АКШ 26%	АКШ 19%	АКШ 17%	АКШ 17%	АКШ 17%
Япония 17%	Япония 14%	ЕС 13%	Япония 9%	Япония 8,6%
ЕС 14%	ЕС 13%	Япония 12%	Хитой 9%	Хитой 19,6%
			Гонконг 7%	Гонконг 7,1%
			Тайвань 4%	

### ИМПОРТА ГЕОГРАФИЯСИ (%)

1994	1995	1996	1998	2004
Япония 26%	Япония 24%	АКШ 22%	АКШ 22%	АКШ 12,9%
АКШ 24%	АКШ 22%	Япония 21%	Япония 18%	Япония 20,6%
ЕС 15%	ЕС 13%	ЕС 13%	Хитой 7%	Хитой 13,2
			Саудия	Саудия
			Арабистон 3%	Арабистон 5,3%
			Австралия 2%	

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати



1. Корея: Вчера и Сегодня. (Доклад использованный при официальном визите президента Республики Корея Ким Ен Сама в Узбекистан в мае 1994 года) Сеул 1994 год
2. Газета «Народное слово» Ташкент 15 августа 1996 год Ташкент 18 ноября 1996 год.
3. Журнал «Коммерсант» № 10 26 марта 1996 год Ежегодник «Корея» Сеул 1996 год
4. Вестник Московского Университета Экономика зарубежных стран (Ли Сан Дук, аспирант)
5. Газета « Народное слово» 12 май 2006 год. Интервью с президентом Республики Корея Но Му Хеном
6. «Халк сузи» газетаси 12 май 2006 й.
7. Страны и регионы мира: экономико-политический справочник /Под ред. А.С. Булатова. – М.: Проспект, 2010. – 704 с.
8. Мировая экономика и международный бизнес. Экспресс-курс: учеб. /Под общ. ред. В.В. Полякова и Р.К. Щенина. – М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.

### **ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР**

1. Проблемы Дальнего Востока Жур. РАН Института Востоковедения.
2. .ж. Korea now. Июнь 2004.
3. ж. Korea today. Май 2005.
4. ж. Korea investment. Август 2003.
5. .ж. Экономическое обозрение. 2002.
6. .ж. Рынок деньги и кредит. 1-12, 2003.
7. .ж. Экономический вестник Узбекистана. 2004.

### **ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАР**

[www.korient.co.kr/](http://www.korient.co.kr/)  
[www. Aziatimes.ru/](http://www.Aziatimes.ru/)  
[www. finansy.ru/publ/mark/](http://www.finansy.ru/publ/mark/)  
[www.marketing.al.ru/index\\_0007.shtml](http://www.marketing.al.ru/index_0007.shtml)  
[www.marketing.uef.ru/students-news.php](http://www.marketing.uef.ru/students-news.php)  
[www.marketologi.ru/docs/teaching.html](http://www.marketologi.ru/docs/teaching.html)  
[www.marketologi.ru/lib/50books/50books1.html](http://www.marketologi.ru/lib/50books/50books1.html)  
[www.nber.org/papersw7361](http://www.nber.org/papersw7361)  
[www.finstat.ru/](http://www.finstat.ru/)  
[www.Korea.net](http://www.Korea.net)